Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 26 декабрь, № 250 (4149) Сешанба

Бугуннинг гапи

«Энг эзгу туйғулар Янги йил билан туғилар» — Тошкентимиз марказидаги Амир Темур хиёбонининг кунчиқар тарафида ушбу ёзувни ўқиганда кўнглимиздан кўп фикрлар ўтди.

Эзгу туйғулар, некбин ниятлар азалдан халқимиз табиатига сингиб кетган. Эрта тонгда уйқудан уйғонган ҳар бир юртдошимиз юз-кўзларини ювиб Яратгандан омонлик тилайди. Чунки у оқшом дам олишга ётаётиб ҳам ич-ичидан «Уйқунинг тинчини бер, ўлимнинг кечини бер» деб илтижо қилади. Ҳадисларда битилганидек, нафас кирганда бир шукр қилиш, чиққанда яна шукрона айтиш одам боласига барака ва комиллик бахш этади.

САВОБ ИШГА УЛГУРДИНГИЗМИ?

Эҳтимол, Ер юзида шундай қатлам, гуруҳ, тўдалар бўлиши мумкин, қайсики ул кимсалар кечаю кундуз кўнглида ёвуз ниятлар билан одамлар тинчини бузиш, борлиққа бало ва офатлар ёғдириш ҳақида режа тузишар. Лекин Ўзбекистон деб аталмиш бизнинг обод Ватанда бунёд қилиш, бойитиш, тотувлик ва тинчлик меваси-дан баҳраманд бўлиш зуваламизда пишитилган. Шу боис, юртимиздан дунёга таралаётган ташаббуслар ҳам тинчлик ва яратувчиликни кўзлайди. Қурувчиларимиз ғиштини мустаҳкам қўяётган бинолар ҳам боғча, мактаб, коллеж ёки ўйингоҳлардан иборат.

Одам-ку одам, мусичанинг ини бузилишини хоҳламайдиган халқимиз бор. Нафақат ўз уйимиз, кўшнимиз ҳам тинч бўлишини истаймиз. Ер юзининг нариги чеккасида олов ёнса безовта бўламиз.

Янги йил инсон қалбида ҳис-туйғуларни тўлқинлантирадиган айём. Биз яшаётган умр ўлчови айнан алмашиб борадиган йилларда тарозига қўйилади. Бир томондан армонга яқин туйғу кўнглимиздан ўтади: яна бир ёшга қаридикми, деб. Лекин, бошқа жиҳатини ўйласангиз, шу кунга етишга насиб этибди, яъни Яратган умр берибдики, яна бир ёшга улгайибмиз, дея шукрона қиламиз. Айни пайтда ич-ичимизда шундай савол туғилади: бу дунёга келиб нима наф келтирдим? Менинг борлигимдан кимдир мамнун бўлдими? Бир инсон ҳаққимга эзгу дуо қилдими?

Тўғри, бу саволларга ижобий жавоб олувчи одамлар юртимизда жуда кўп. Лекин шундай зотлар янаям кўпайиши мумкин-ку. Бир-биримизнинг кунимизга яраш, эсаётган нохуш шамолни тўсиб туриш, дарахт экаётган кишига хайрихоҳ бўлиш орқали мадад кўрсатиш ўзбекнинг қон-қонида мужассам-ку. Шу ҳам ижтимоий ҳимоя эмасми?!

Шу кунларда кўчада одамларнинг ҳаракатини бир кузатинг. Ҳамма шошиб, ошиқиб олға интилади. Яшаш мезонларидан бири — йилнинг тугашига санокли кунлар, соатлар қолмоқда. То янги ҳисоб бошлангунча барига улгуриш керак. Кимдир яқин кишисини йўқлашга, яна биров набирасига берган ваъдасини бажаришга, бошқа одам бемордан ҳол-аҳвол сўрашга — хуллас, ҳамма тугаётган йил ичида эзгу, савоб ишни биттага кўпайтириб улгуришга ҳаракат қилмоқда.

Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, шундай ширин ташвишлар билан яшашнинг ўзи, бахт. Дунёнинг нотинч ўлкаларида бошпанасидан жудо бўлиб кўзда ёш билан янги йил кутаётганлар йўқ дейсизми? Ногоҳ отилган ўқ зарбидан қулаб жони шу йилнинг ўзида узилаётган тақдирлар бизнинг шундай тинч ҳаётимиз қадри бебаҳо эканлигини эслатмайдими? Шундай турли кўринишлар ҳар биримизда ҳушёрлик, огоҳлик туйғуларини ҳам ошириши керак.

Хуллас, бунёдкорлик, хотиржамлик, шукроналик, огоҳлик каби энг эзгу туйғулар Янги йил арафасида халқимиз кўнглида мевалар бераверсин.

Шоҳруҳ ЖАЎФАРОВ.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

«Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 1 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги 740 — XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4 — 5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5 — 6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1 — 2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9 — 10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1 — 2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413, 418-моддалар) **2-моддасининг ўн иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 22 декабрь
№ ЎРҚ — 72

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаёти, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2006 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 30 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2006 йил 30 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 22 декабрь

Яқинда Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш» лойиҳаси ҳамда республика Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида семинар-тренинг ташкил этилди.

СОЛИҚ ВА МАТБУОТ

Бундан мақсад солиқ тизимидаги ислоҳотлар, жумладан, солиқ қонунчилигидаги охирги ўзгаришлардан оммавий ахборот воситалари ҳамда солиқ органлари ахборот хизматлари ходимларини хабардор этиш, уларнинг касбий маҳоратини оширишга қаратилган эди.

Маълумки, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва мазмунини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда солиқ маданиятини оширишда муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида солиқ мавзусига кенг ўрин ажратилмоқда.

Тренингда маъруза қилган БМТ ривожланиш дастури, республика Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизмати, республика Молия вазирлиги ходимлари матбуот ва солиқ тизими ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Тренинг якунида унинг қатнашчиларига сертификатлар топширилди ҳамда солиқлар ва солиққа тортиш соҳасидаги энг яхши мақолалар танлови ташкил этилгани эълон қилинди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова ахборотини тингладилар.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги ахборотни Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг 2007 йилга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти режасини, шунингдек, тадбирларини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Бу режа ва тадбирларда, аввалги йилларда бўлгани каби, эътибор асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилиадиган қонунлар юзасидан хулосалар тайёрлашга, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ва унинг қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини ўрганиш ва муҳокама қилишга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, депутатлари фаолиятининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган норматив ҳужжатларни тайёрлашга, турли долзарб мавзуларда семинарлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ўтказишга қаратилди.

Кенгаш ўзининг 2007 йилдаги мажлисларида муҳокама қилиниши мўлжалланаётган масалалар рўйхатини кўриб чиқди ва тасдиқлади. Қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўйича қўмиталар ишини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

Кенгаш ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши кўриб чиқилган ҳамма масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг қўшма пленуми бўлиб ўтди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев, Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Н.Аҳмонов бошқарган тадбирда мазкур судлар судьялари, фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив базанинг яратилиши уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2005 йил 14 июнда эълон қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини асоссиз чеклашга йўл қўймасликка доир қонун ҳужжатлари судлар томонидан самарали қўлланилаётир. Шу билан бирга, судлар фаолиятида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда айрим муаммолар ҳам юзага келаётир. Пленумда уларни бартараф этиш ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга, молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган қонунчиликнинг судларда тўғри қўлланилишини таъминлаш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, пленумда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган фуқаролик қонун ҳужжатлари меъёрларини қўллашга оид масала ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Унда судларга кредит, гаров, кафиллик шартномалари ва кафолат билан боғлиқ ишларни қонун талабларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиш, ушбу тоифадаги низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган тегишли тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, қўшма пленум кун тартибидан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди томонидан қабул қилинган "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги пленум қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўтган ҳафтанинг жума куни қуйи палата **Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси**нинг «Миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича қонунчилик тизими» мавзуида илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар ҳамда Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтлари, Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби ходимлари иштирок этган анжуманда миллий хавфсизликнинг долзарб муаммолари, мамлакатимизда бу борада қонунчилик тизимини такомиллаштириш моҳияти тўғрисида сўз борди. Жумладан, халқимизнинг халқаро тероризмга қарши олиб бораётган саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш борасидаги вазифалар ҳақида гапирилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар миллий хавфсизликни таъминлашга доир ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш, бугунги кунда вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш учун илмий асосланган янгича ёндашувлар талаб этилаётганини таъкидлашди.

Шу билан бирга, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳам тадбир қатнашчилари эътиборидан четда қолмади.

Анжуманда кўрилган масала юзасидан билдирилган таклиф, мулоҳазалар эътиборга олиниб, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

Шу куни Қонунчилик палатаси **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси**нинг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижросига оид назорат-таҳлил якуни муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлди.

Вилоятда «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи тил комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу аснода муайян ишлар қилинаяпти. Юзга яқин миллат ва элатлар истиқомат қилаётган ушбу вилоятда, уларнинг ўз она тилини қўллаш бўйича конституциявий ҳуқуқларига риоя этилмоқда. Вилоятда рус, қозоқ ва тожик тилларида газеталар чоп этилиб, телекўрсатувлар олиб борилаётир.

Шу билан бирга, вилоятнинг айрим ташкилотларида ўзбек адабий тилини амалдаги илмий қоидалари ва меъёрларига риоя этилмасдан, кўп имловий хатоликларга йўл қўйилмоқда. Ўқув масканларини ўзбек тили бўйича мутахассис ўқитувчилар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари қониқарсиз ташкил этилган.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА



ИНВЕСТИЦИЯ

иқтисодий тараққиётнинг тамал тоши

МЎЪЖАЗ ҲИКМАТЛАР

публицистнинг янги китоби

СЮРПРИЗ

Янги йил ҳажвияси

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Илк бор Ўзбекистонда дунёга келган сиам эгизаклари операцияси пойтахтимизда тиббиётчиларимиз томонидан муваффақиятли ўтказилди. Ўта мураккаб ҳисобланган жарроҳлик амалиёти XXI асрдаги энг муваффақиятли якунланган операция сифатида тарихга кирди.

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб, Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари электрон нусхаси билан танишиш имконига эга бўласиз. Бунинг учун ушбу газеталар электрон нусхасига обуна бўлинг. Маълумот учун телефон (факс): 133-10-03

Мустақил Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида дадил қадамлар ташланмоқда. Айниқса, давлат бошқарувида демократик, эркин ва очиқ сиёсат юритиш "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари", яъни кучли давлатчиликдан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимига ўтиш масалалари давлатимизнинг изчил сиёсатига айланди.

Парламент ҳаёти

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ДАВР ТАЛАБИ

Машкура САФАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган анжуманда қилган маърузаларида бу борада ҳақли равишда "Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий" деб таъкидлади. Албатта, биз айтишимиз мумкинки, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифаларини ҳисобга олган ҳолда Парламент томонидан кўплаб қонунлар қабул қилиниши ҳам Президентимиз қўйган вазифаларга жавоб бўлиб ҳисобланади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш юзасидан 2005 йилда қабул қилган фармойиш ва қарорларига мувофиқ тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг 32 та қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижасидир. Бу қонунларда хусусий тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган механизмини жорий этишни, уларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва солиқ имтиёзлари боришни, кредит ресурсларидан фойдаланишда кичик бизнес субъектларининг имкониятларини кенгайтиришни, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни камайтириш назарда тутилган. Шунингдек, "Микромолиялаш тўғрисида"ги ҳамда "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари эса тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг молиявий воситалар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, бу қонунлар орқали уларнинг ишдаги фаоллигини ошириш, микромолиявий хизматлар бозорини ва тадбиркорликни ривожлантириш, микрокредит ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда ягона ҳуқуқий база яратилди.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этиш, касаначилик меҳнатидан фойдаланиш ҳисобига оилаларнинг даромадини кўпайтириш, фуқароларнинг меҳнат ва бунёдкорлик соҳасидаги фаоллигини ошириш учун ҳуқуқий шароитлар яратиш имконини беради. Шунингдек, кўплаб корхоналарга имтиёз ва преференциялар бериб, уларни касаначилар билан кооперацияни ривожлантиришга жалб этиш шарт-шароитларини яхшилайди, турар жой биноларидан касаначилик меҳнатини амалга ошириш учун фойдаланиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этади. Шу билан бирга мамлакатимизда кейинги йилларда хотин-қизлар сиёсати масалаларига катта эътибор берилаётганлигини алоҳида қайд этмасдан бўлмайди.

2004 йилнинг 26-27 август кунлари бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра "Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим". Қонунда берилган имконият натижасида 2004 йилда бўлиб ўтган сайловлар якунига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган хотин-қизлар сони ўтган чақириққа нисбатан икки баравардан ортиқ бўлиб, 21 нафар аёлни ёки 18 фоизни, Сенат таркибида эса 15 нафар аёлни ёки 15 фоизни ташкил этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларига 101 нафар аёл (12,3 фоиз), шунингдек, Халқ депутатлари туман Кенгашларига 673 нафар аёл (15 фоиз), Халқ депутатлари шаҳар Кенгашларига эса 149 нафар аёл (18,4 фоиз) депутат этиб сайланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ҳамда 219 туман (шаҳар)-лардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳам ҳисобланади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларида ҳам аёлларнинг роли оширилди. Бугунги кунда 1043 нафар аёл маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини, маҳаллаларни бошқармоқда. Ваҳоланки, 2006 йилнинг бошида бу органларда аёллар сони 734 нафарни ташкил этган эди.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 25 майдаги Фармонларига асосан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларининг самарадорлигини ошириш юзасидан ҳозирги кунда 7704 та маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаол ишлаб турибдилар. Мазкур лавозимларга ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳамда урф-одатларимизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизлар тайинланганлар.

Жорий йилнинг декабрь ойи бошида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошчилигида мамлакатимиз делегацияси Бельгиянинг Брюссель шаҳрида жойлашган Европа парламентида бўлди. Европа парламенти депутатлари билан бўлиб ўтган давра суҳбатида Ўзбекистонда гендер тенглиги масаласи муқокама этилди.

Делегация аъзолари ўз чиқишларида Европарламент депутатларига юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ролини ошириш борасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, яратилаётган имкониятлар ва шароитлар, хотин-қизларнинг бундай имконият ҳамда ҳуқуқлардан тенг фойдаланаётганлари ҳақида атрофлича маълумотлар бердилар.

Ундан ташқари Европарламент депутатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатиш киритиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари билан ҳам танишдилар. Мазкур давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Парламентга киритган қонун лойиҳаларининг долзарблиги ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ролини кучайтириши, уларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга жалб этилиши ва масъулияти оширилишига хизмат қилиши эътироф этилди.

Жумладан Европарламентнинг аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги бўйича қўмитаси раиси А.Заборска Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги иштирокини янада фаоллаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасида қонунчилик базаси яратилганлиги, юртимиз хотин-қизлари ўз ҳақ-ҳуқуқларидан кундалик ҳаётида фойдаланаётганликларидан воқиф бўлганлигини билдирди.

Шу билан бирга А.Заборска аёллар бандлиги ва иш билан таъминлаш масаласи, айниқса, аёлларнинг уй шароитида касаначилик билан шуғулланиши ва бу борада уларга яратилган имкониятлар қизиқиш уйғотганлигини эътироф этди.

Европарламентнинг аёл ҳуқуқлари ва ташқи алоқалар бўйича қўмитаси аъзоси Д.Пак ҳам Ўзбекистонда хотин-қизлар учун билим олиш борасида кенг имкониятлар яратилганлиги, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллиги ҳамда кўрсаткичларига ривожланган кўпчилик давлатлар ҳам эриша олмаганини билдирди. Шунингдек, маҳалла институти уларда катта қизиқиш уйғотганини ва Ўзбекистоннинг маҳалла институти борасидаги тажрибаси ўрганишга лойиқлигини, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш масаласида Ўзбекистон тажрибаси гендер тенглиги борасида эришилган ютуқларга муҳим ҳисса қўшишлигини таъкидлади.

Европарламентнинг "Европа давлатлари учун Иттифоқ" гуруҳи сиёсий маслаҳатчиси Э.Кропайте ўзбек аёлларининг ҳаёти, маданияти ва олиб бораётган ишлари, эришаётган ютуқлари тўғрисида, уларнинг давлат ва жамоат институтларида фаолият юритиб, мамлакатда демократик ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги ўрни ва ҳиссаси юзасидан қизиқарли ахборотлар олганлигини, ўзбек аёлининг жамият ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштиришига ва юқори натижаларга эришишига ишонишлигини билдирди.

"Ўзбекистонда гендер тенглиги" ҳақида Европарламентда давра суҳбати ўтказилишини эшитган ва унда қизиқиш билан қатнашган ТАСИС дастурининг Европа комиссияси эксперти Силва Родригес ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар Ўзбекистоннинг келгусида янада ривожланишига олиб келиши, Президент И.Каримов томонидан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритилган Конституциявий қонун лойиҳаси давлат бошқаруви жараёнларида сиёсий партиялар фаоллигини оширишга, парламент мухолифатининг ҳукумат фаолиятини назорат қилиш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтиришга ҳамда демократик жараёнларни жадаллаштиришга хизмат қилиши ҳақида фикр билдирди.

Европарламентнинг юқорида номлари келтирилган депутатларнинг фикрлари ҳамда уларнинг ўзаро суҳбатда юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва Ўзбекистонга, унинг халқига, урф-одатларига, тарихий обиданларига катта қизиқиш борлигини билдирганликлари делегация аъзоларида фахрланиш ҳиссиётларини уйғотди.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, халқимиз ва унинг қадриятлари мустақиллик йилларида янада қарор топиб, бойиб, мустаҳкамланиб бормоқда. 2007 йилга "Ижтимоий ҳимоя йили" деб ном берилганлиги ҳам Президентимиз айтганларидек, "Олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириш билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиймат, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади".

Экологик журналистика фестивалида қатнашишади

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Аёл-тадбиркор" дастури доирасида ўтказилган танловнинг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси эълон қилган мазкур танлов "Аёллар учун ишчи ўринлари яратиш бўйича энг яхши лойиҳа" деб номланиб, ундаги лойиҳалар мустақил экспертлар комиссиясининг хулосасига кўра баҳоланди. Унда Самарқанд вилоятидаги "Раҳмдиллик" нодавлат нотижорат ташкилоти ғолиб деб топилди.

Шунингдек, тадбир давомида экологик журналистика миллий кўрик танлови натижалари ҳам эълон қилинди. Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси (ЎзННТМА), Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа тегишли ННТ вакиллари томонидан ташкил этилди.

Экологик журналистика кўрик-танлови жорий йилнинг 22 апрель куни бошланган бўлиб, Халқаро Ер кунига тўғри келган эди. Унга 2005 йилнинг 1 сентябридан жорий йилнинг 30 ноябригача бўлган вақт оралиғидаги ижодий ишлар тақдим қилинди. Танлов шартларига кўра 7 номинация бўйича ишлар қабул қилинди. "Радио: радиоэшиттириш ва радиосюжет", "Телевидение: ҳужжатли фильм, телекўрсатув, экологик ролик, янгилик сюжети", "Матбуот: мақола ёки бир муаммога бағишланган мақолалар тизими", "Энг яхши экологик нашрлар", "Атроф-муҳит бўйича энг яхши плакат", "Интернет тармоғидаги энг яхши нашр", "Фотокадрда табиат" каби йўналишлардаги ишлар ҳакамлар томонидан муносиб баҳоланди. Унинг натижаларига кўра энг яхши фильм, радиоэшиттириш ва нашрлар муаллифлари келаси йилнинг май ойида Бишкек шаҳрида ўтказиладиган Олтинчи Марказий Осиё экологик журналистика фестивалига қатнашишга йўлланма олдилар.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Бутловчи қисмлар — ўз корхонамизда

Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси жамоаси эришаётган ютуқларда бутловчи қисмлар етказиб бераётган ҳамкорларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг бежиримлиги, пишиқ-пухталиги, энг муҳими, бирмунча арзонлиги билан хорижникидан асло қолишмайди. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, ҳамкорликда ишлаётган корхоналар сони 75 тага етди. Улар жорий йилнинг ўн ойида автомобилсозларга 113 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорида бутловчи қисмлар тайёрлаб беришди.

«ЎЗТонг Хонг» қўшма корхонаси, Марғилондаги техник хизмат кўрсатиш маркази менежмент тизимини аъло даражада йўлга қўя олди. Қўқондаги «Электромаш» масъулияти чекланган жамияти, Асакадаги «Меридиан» кичик корхонаси, Тошкентдаги «Черновпласт», «Тефест», «Мусабоев» сингари фирмалар томонидан етказиб берилаётган бутловчи қисмлар, Хонободдаги «Андижонкабель» корхонаси жамоаси қўлидан чиқаётган кабеллар, марҳаматлик электрсозлар тайёрлаётган мураккаб қисмлар автомобилсозларга, айниқса, манзур бўлаётир.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	971,29	1 Польша злотийси	425,84
1 Англия фунт стерлинги	2426,06	1 СДР	1867,17
1 Дания кронаси	218,24	1 Туркия лираси	870,18
1 БАА дирҳами	337,85	1 Швейцария франки	1015,64
1 АҚШ доллари	1240,00	1 ЕВРО	1625,89
1 Миср фунти	217,35	10 Жанубий Корея вони	13,36
1 Исландия кронаси	17,09	10 Япония иенаси	104,35
1 Канада доллари	1071,00	1 Россия рубли	47,16
1 Хитой юани	158,58	1 Украина гривнаси	245,54
1 Малайзия рингити	351,08		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Огоҳлик машқи

Жорий йилнинг 19-21 декабрь кунлари "Тошкент — Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчиқ" довонида содир бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

ҲУШЁР БЎЛСАК, КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ

Маълумки, "Тошкент — Ўш" автомобиль йўлининг "Қамчиқ" довони стратегик жиҳатдан энг муҳим объектлардан бири бўлиб, мамлакатимиз пойтахтини нафақат Фарғона водийси, балки қўшни республикалар билан ҳам туташтириб турувчи ягона йўлдир. Довон йўлининг 104-144 километрдаги қисми бевосита Тошкент вилоятининг ҳудудидан ўтади. Унинг атрофида Оҳангарон туманига қарашли 8 та аҳоли пункти мавжуд бўлиб, айни шу тоғ ва тоғолди жойларида салкам 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Кутилмаганда юзага келган табиий ёки техноген хусусиятли фавқулодда вазият туфайли йўл вақтинчалик ёпилиши оқибатида муайян қийинчиликлар вужудга келиши, шу боис, кўриладиган маънавий ва иқтисодий зарар миқдорини камайтириш баробарида айрим кўнгилсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олишга оид қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бу тоғ ва тоғолди жойлари қор ва қир кўчкилари тез-тез рўй бериб турадиган ҳудудлар сирасига киради. Кетма-кет ёққан қор ёки ёмғир туфайли табиий офатлар рўй бериб, катта автомагистраль йўлини тўсиб қўйган ҳолатлар кўп бўлган.

Яқинда бўлиб ўтган махсус-тактик ўқув машқининг ўтказилишидан асосий мақсад, довон йўлида содир бўлиши мумкин бўлган табиий ёки техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар манбаини аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиш, олдини олиб, хавфни камайтириш, содир бўлган тақдирда ҳамкорликдаги куч ва воситаларни жалб қилган ҳолда бартараф этиш, шу асосда ягона бошқарувини ташкиллаштириш ҳамда аҳолини ҳаракатларга ўргатишдан иборат эди.

"Қамчиқ" довони. Тадбир иштирокчилари белгиланган вақтда машқ майдонига етиб келишди. Икки босқичда ўтказилган машқ режасига кўра, довон йўлининг 121 км.да шартли равишда йирик кўчки рўй берди. Табиий офат оқибатида автомобиль зарар кўрган бўлиб, машина ичида 4 нафар жароҳатланганлар борлиги тўғрисида шошилинч хабар етказилди. Ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун зудлик билан кўчки оқибатларини бартараф этиб, қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш, ҳамкорлик режасига асосан куч ва воситаларни жалб этиш, йўловчиларга дастлабки стационар тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек йўл-транспорт ҳаракати қатновини қайта йўлга қўйиш амалда синаб кўрилди.

Халоскорлар махсус авария-қутқарув техникалари ва аҳолини муҳофаза қилувчи кучлар ёрдамида табиий офатлар оқибатларини бартараф этиб, жабрланганларга зудлик билан тиббий хизмат кўрсатишди, "тез ёрдам" машиналарига жойлаштириб, яқин атрофда жойлашган шифохоналарга жўнатишди. Ўтказилган махсус-тактик машқ жараёнида шу нарса аён бўлдики, бир неча синовлардан муваффақиятли ўтган қидирув-қутқарув хизмати халоскорлари зиммаларига юклатилган вазифаларни кўнгилдагидек бажардилар.

Иккинчи босқичда эса деярли ҳар куни шу йўлдан қатнаётган кўп тоннали юк ташувчи автомобилни довоннинг 126 километридаги ҳалокати, яъни хавфли суюқлик – натрий цианиднинг тўкилиши оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган вазиятни бартараф этиш вазифалари режалаштирилган эди. Унда Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг махсус куч ва воситаларини давлат санитария-эпидемия назорати хизмати билан биргаликдаги ҳаракатлари, бошқа хизматлар билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар яна бир бор синовдан ўтказилди.

Воқеа жойига етиб келган муҳофаза кучлари махсус кийимлар, газниқоблар кийиб олган ҳолда зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида хавфли суюқликдан заҳарланган икки нафар ҳайдовчини зудлик билан хавфсиз ҳудудга олиб чиқдилар. Ўз вақтида кўрсатилган тезкор қидирув-қутқарув ишлари ва тиббий хизмат туфайли жабрланувчиларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Айтиш жоизки, кўпгина муҳофаза тадбирларида дадил иштирок этиб келаётган Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати қутқарув хизмати гуруҳи ходимларининг тезкор ҳаракати тадбир давомида яққол сезилди. Бу шубҳасиз, уларнинг кутилмаган тасодифларга нечоғли шай эканлигидан далолат беради.

Ниҳоят, машқ иштирокчилари томонидан олиб борилган тезкор муҳофаза тадбирлари натижасида навбатдаги хавф ҳам бартараф этилиб, инсон ҳалокати билан боғлиқ техноген хусусиятли фавқулодда вазиятнинг олди олинди. Энг муҳими, катта автомагистраль йўналиши бўйлаб қатнаётган ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлиги ҳамда саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл-транспорт қатновини янада яхшилаш чора-тадбирларини кўриш, жабрланганларга шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш амаллари машқ давомида яна бир бор намоён бўлди.

Машқнинг асосий жиҳатларидан яна бири, тадбир давомида зарурий бўлган амалий ишлар, яъни йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш баробарида автомагистраль йўли тозаланди, носоз жойлар эса қайта таъмирланиб кенгайтирилди. Шунингдек, тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи аҳоли пунктида коммуникация, электр таъминотига эътиборни кучайтириш каби вазифалар тўлақонли бажарилди.

Албатта, ҳаракат хавфсизлиги ва қутқарув ишларини ҳамкорликсиз амалга ошириш мушкул. Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган режага асосан Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "ЎзАвтойўл" Давлат концерни, "Ўзгидромет" бошқармаси, Фуқаро муҳофазаси, Кўчки жараёнларини кузатиш хизматлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ходимлари фаол иштирок этдилар. Ўз навбатида "Ўзгидромет" бошқармаси хизматлари ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Ҳолбуки, бошқарманинг "Қамчиқ" довонидаги қор кўчкисини кузатиш станцияси томонидан об-ҳаво маълумотларининг ўз вақтида бериб турилиши ҳам рўй бериш эҳтимоли бўлган хавфдан огоҳ этиш ва хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини олдиндан кўриб қўйиш учун муҳим аҳамият касб этади.

А. АВЛОҚУЛОВ.

«Халқ сўзи» назоратида

Газетамизнинг шу йил 19 апрель сонида чоп этилган «Енгил саноат: Масалалар ечими енгилми?» сарлавҳали мақолада катта маблағ эвазига бунёд этилган енгил саноат тизимидаги айрим корхоналарнинг бугунги кунда фаолият кўрсатмаётгани ва бу борадаги айрим муаммолар ҳақида фикр билдирилган эди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Чирчиқ шаҳар ҳокимлигидан расмий жавоб келди.

Бир мақолага икки жавоб

«Ўзбекенгилсаноат» компанияси ўз таркибидаги корхоналарнинг барқарор ишлаши, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари экспортбоп ва рақобатга бардошли бўлиши учун корхоналарда техникавий қайта жиҳозлаш ишлари ўтказишга сармоядорлар топиш, банк билан бўладиган муомалаларни ҳал этиш, маъқулланган лойиҳаларни расмийлаштириш сингари ишларни амалга оширишда вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш масаласи, махсулот турларини белгилаш, нархларини мувофиқлаштириш ва корхонанинг хўжалик масалаларини ҳал этиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларига ва бозор иқтисодиёти қонуниятларига мувофиқ корхонанинг ўзи томонидан ҳал этилади.

Мақолада қайд этилган камчиликлар корхона раҳбарлари билан муҳокама қилинди. Уларни бартараф этиш учун тегишли тавсиялар берилди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Ш.СУЛТОНОВ».

«Мазкур мақола «Бурсел Тошкент текстиль» қўшма корхонаси раҳбарияти билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда Тошкент вилоятидаги «Чиноз тўқимачи» ва Шаҳрисабздаги «Оқсарой» қўшма корхоналарига хомашё етказиб беришда узилишларга йўл қўйилган. Натижада корхоналар тўлиқ қувват билан ишламаяпти.

Айни пайтда «Бурсел Тошкент текстиль» қўшма корхонаси раҳбарияти мазкур корхоналар маъмурияти билан ҳамкорликда хомашё етказиб беришдаги узилишларнинг сабабини аниқлаб, уларни бартараф этиш ҳамда хомашёни ўз вақтида етарли миқдорда етказиб беришни таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш.БОБОЕВ».

ЖАҲОН 24 соат ичида



БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Эронга нисбатан тайёрланган резолюция лойиҳасини бир овоздан маъқулладилар. Бунга жавобан Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежот баёнот билан чиқиб, мамлакат ядровий дастурдан воз кечмаслигини билдирди. Резолюцияга мувофиқ, Эронга ядро қуроли учун ишлатиладиган хомашё сотиш тақиқланади ҳамда мамлакатнинг хориждаги айрим ҳисоб-рақамлари музлатилади.

Харьков-Язиково йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поездда ёнғин содир бўлди. Натижада етти киши оламдан ўтди. Айни пайтда фожиа сабаблари ўрганилаяпти. Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакили журналистларга йўловчилардан бири поездга ўзи билан тез ёнувчи суюқлик олиб чиққани ва уни ёқиб юборган бўлиши мумкинлигини билдирди.

Нигерияда чоп этиладиган кундалик This Day газетаси бош муҳаррири ўлдириб кетилди. У таҳририятдан машинада ўз уйига қайтаётганида номаълум кишилар унга ҳужум қилишган. Жиноятчилар автомобилдаги қимматбаҳо нарсаларга тегишмаган.

Қуддусда Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ва Исроил Бош вазири Эҳуд Ольмерт ўртасидаги музокаралар якунланди. Фаластин маъмурияти вакили Саеб Эрекатнинг билдиришича, музокараларда Исроил тарафи «ХАМАС» гуруҳи давлат тепасига келгандан буён музлатиб қўйилган 100 миллион доллар маблағ мухториятга қайтарилишига келишилган.



Пентагон Ироқдаги янги йўқотишлар ҳақида маълум қилди. Якшанба куни Бағдодда ўрнатиб кетилган қўлбола бомбанинг портлаши оқибатида 6 нафар америкалик аскар ўлган. 2003 йилдан буён Ироқда 2969 нафар АҚШ ҳарбийси ҳалок бўлди, шунингдек, 22 минг 500 нафар америкалик турли даражада жароҳатланди.

Пекинда Шимолий Кореянинг ядровий дастури юзасидан ўтказилган музокаралар самарасиз якунланди. Шимолий Корея делегацияси раҳбари Ким Ге Кваннинг сўзларига кўра, музокараларни давом эттириш учун Оқ уй аввал Пхеньянга нисбатан қўллаган жазо чораларини бекор қилиши керак.



Эфиопия ҳарбий ҳаво кучлари Сомали ҳудудини бомбардимон қилди. Гувоҳларнинг айтишича, ҳаво ҳужуми жангарилар назоратидаги Баладвейн ва Бандирадли шаҳарларига йўлланган. Жангарилар Эфиопияни Сомалига ҳарбий босим ўтказаётганликда айблади ва уруш бошланганини эълон қилишди. Африка Иттифоқи ва Араб давлатлари лигаси томонларни можарони тўхтатиб, музокаралар ўтказишга чақирди.

Грузия ҳар бир минг кубометр газ учун 235 доллар тўлашга рози бўлди. Бу ҳақда Россиянинг «Газпром-экспорт» ташкилоти раҳбари Александр Медведев журналистларга маълум қилди. Икки томонлама тузилган шартномага асосан, «Газпром» Грузияга 1,1 миллиард кубометр газ етказиб беради.



Хитой Зимбабвега 2 миллиард долларлик сармоя киритишни режалаштираяпти. Ҳукумат бу маблағнинг асосий қисмини мамлакатда инфляциянинг олдини олишга сарфламоқчи. Зимбабвенинг Хитойдаги элчиси Крис Мутсвангви мазкур сармоя мамлакатни иқтисодий инқироздан чиқиб олишида катта аҳамият касб этишини билдирди.

Toyota 2007 йилда General Motorsни автомобиль ишлаб чиқаришда қувиб ўтмоқчи. General Motors машина ишлаб чиқариш жиҳатидан дунёда етакчилик қилмоқда. Бироқ айни пайтда компания маҳсулотларига талаб кескин камайиб кетган. Toyotaникида эса аксинча. Япон машиналарига дунё автомобиль бозорида қизиқувчилар кўпайиб бораяпти. Келгуси йилда Toyota маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тўрт фоизга оширмоқчи, бир йил мобайида 9 миллион 42 та машина бозорга чиқарилади.

Озарбойжон Президенти Илҳом Алиев мамлакат ҳарбийлари Тоғли Қорабоғ ҳудуди учун курашга тайёр эканлигини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, расмий Баку Тоғли Қорабоғ суверенитетини ҳеч қачон тан олмайди. Озарбойжон етакчиси мазкур ҳудуддаги зиддиятга бошқа давлатларнинг аралашмаслигини сўради.

Чилининг собиқ президенти Аугусто Пиночет ўлимидан олдин хат қолдирган экан. Унда генерал ўзи юритган қаттиққўл сиёсат мамлакатни фуқаролар урушидан сақлаб қолганини таъкидлаган. Унинг сўзларига кўра, мамлакатда зиддият кучайиб кетмаслиги учун давлат қаттиққўллик билан бошқарилган. Эслатиб ўтамиз, 1973-90 йилларда Чилига раҳбарлик қилган Пиночет жорий йил 10 декабрь куни 92 ёшида оламдан ўтди.



Хитой пойабзалчилари Европа Иттифоқи раҳбариятини судга берди. Уларнинг таъкидлашича, Хитойда ишлаб чиқарилган оёқ кийимларининг ЕИга кириши учун солиқларнинг кўтарилиши қонунга зиддир. Маҳаллий матбуотда ёзилишича, ЕИ раҳбариятининг бундай йўл тутиши 1200 та фирма ва компанияларнинг катта зарар кўришига олиб келди. Шунга қарамай, 2005 йилда Европа бозорларида Хитойнинг 1,2 миллиард жуфт оёқ кийими сотилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«DESK-INVEST»
Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқи ва республика раҳбариятини
Қурбон ҳайити ва кириб келаётган Янги йил билан
чин дилдан табриклайди!

Барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва тинчлик-хотиржамлик тилайди. Янги йилда қўл ураётган барча эзгу ишларингиз бароридан келиб, дилингиздаги олижаноб истаклар, муқаддас орзуларингиз рўёбга чиқсин. Маҳсулотларимиз бунёдкорлик режаларингизнинг амалга ошишида кўмак бўлса, биз бундан мамнун бўламиз.

«DESK-INVEST» маҳсулотлари емирилиш ва ташқи муҳит таъсиридан ишончли ҳимояланган. Финляндия ускуналари ва немис технологияси маҳсулотимизнинг
КАМИДА 50 ЙИЛ
хизмат қилишига кафолат беради.
БИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ:
0,5 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА;
0,5-0,7 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ РУҲЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ;
ДОИМ СОТУВДА 1,5-30 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ҚОРА МЕТАЛЛ ПРОКАТИ (ЛИСТОВОЙ ЧЕРНЫЙ ПРОКАТ).
Манзилимиз: Тошкент ш., З.Шамсуддинова к., 45-уй. Тел.: 399-06-56, 399-06-57. Факс: 390-54-50.

Қарши шаҳри ва Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари қозоғистонлик олимлар нигоҳида

Алматида Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Қозоғистондаги элчихонаси кўмагида Р.Сулейманов номидаги Шарқшунослик ва А.Маргулон номидаги Археология ҳамда Ч.Валиханов номидаги Тарих ва этнология институтлари томонидан ташкил этилди. Унда эксперт олимлар, Алмати шаҳрининг маъмурияти, маданий ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда Қозоғистон оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда шу йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида ўтказилган Қарши шаҳри ва Хоразм Маъмун академиясининг ҳамда буюк давлат арбоби, саркарда Амир Темурнинг 670 йиллиги юбилейи тантаналари билан танишдилар.

Шарқшунослик институти директори, профессор М.Абусеитова ва ушбу институт раҳбарининг ўринбосари А.Мўминов ўз маърузаларида таъкидлашганидек, Хоразм илмий мактаби нафақат ўрта асрларда Шарқдаги, балки Европадаги олимларнинг ҳам дунёқараши ва фаолияти ривожида муҳим аҳамият касб этган. Қозоғистонлик олимлар яна шуни қайд этишдики, Ғарб цивилизацияси ўзининг XVI-XX асрларда эришган илмий ва технологик тараққиёти кўп жиҳатдан Шарқ уйғониши билан боғлиқдир. Уни шакллантиришда эса Марказий Осиёнинг илм аҳли, жумладан, Хоразм Маъмун академияси мутафаккирлари катта ўрин тутган.

— Юбилей муносабати билан Қарши шаҳрида бўлганимда умумжаҳон аҳамиятига молик моддий ва маънавий мерос ҳисобланмиш ноёб ёдгорликларни қайта тиклаш борасида Ўзбекистонда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан жуда ҳайратга тушдим, — дейди профессор М. Абусеитова. — Шу ўринда бундай муҳим ишларга ғамхўрлик қилаётган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг улкан хизматлари бор эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

«Давлатингиз раҳбари Қарши шаҳрининг юбилей тантаналаридаги ўз чиқишида миллатни маънавий қайта тиклаш масаласи билан кўп асрлик тарихга эга меъморий ёдгорликларнинг бирбирига боғлиқлиги масаласига алоҳида эътибор қаратгани жуда эсда қоларли бўлди», деди у.

М.Абусеитова Қозоғистон Шарқшунослик институти ва Хоразм Маъмун академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тузилганини маълум қилди.

Тадбир иштирокчилари давра суҳбати натижалари бўйича илмий ҳисобот тайёрлашга ва уни Қозоғистонда чоп этиладиган «Мысл» ижтимоий-сиёсий журнали ҳамда Шарқшунослик институтининг нашри — «Восток» илмий-тарихий журналида чоп этишга қарор қилдилар.

«Жаҳон» АА.

ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО С ИНОСТРАННЫМИ ИНВЕСТИЦИЯМИ "SANOATQALINQOG'OZSAVDO"
ПРИНИМАЕТ В НЕОГРАНИЧЕННОМ КОЛИЧЕСТВЕ
МАКУЛАТУРУ ОТ НАСЕЛЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИЙ
В ОБМЕН НА ТОВАРЫ ПОВСЕДНЕВНОГО СПРОСА И НАЛИЧНЫЕ ДЕНЬГИ. МАКУЛАТУРУ МОЖНО СДАТЬ В ПРИЕМНЫЕ ПУНКТЫ ОАО ИИ "SANOATQALINQOG'OZSAVDO"

АДРЕСА ПРИЕМНЫХ ПУНКТОВ:

Г. ТАШКЕНТ: МИРАБАДСКИЙ РАЙОН, УЛ. НАРХОДЖАЕВА, 56 МАССИВ ЧИЛАНЗАР, КВАРТАЛ 26 МАССИВ ЮНУСАБАД, КИНОТЕАТР "КАЗАХСТАН" МАССИВ ЯЛАНГАЧ "ДЕХКОН БОЗОРИ"	Г. АНГРЕН: УЛ. НАВОИ, 22 КВ-Л 5/5, Д.14 КВ-Л 5/4	Г. ДУКЕНТ ОРИЕНТИР — "УНИВЕРСАМ"	Г. АЛМАЛЫК "АЙДИН БОЗОРИ"	Г. БЕКАБАД ОРИЕНТИР - ГОРОДСКАЯ ПРОКУРАТУРА	Г. ТОЙ-ТЕПА "БОЗОРИ"

ТЕЛЕФОНЫ ДЛЯ СПРАВОК в г. Ташкенте 293-03-80, 191-61-90; в г. Ангрене (370 166) 3-28-65, 2-12-23

Энг яхши чора — ЭҲТИЁТ ҚИЛИШ!
КОМПЬЮТЕРЛАР ВА ОРГТЕХНИКАНИ ТАЪМИРЛАШ
МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚУРИШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
NG SERVICE Муаллифлаштирилган сервис-марказ
Манзилимиз: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Мўлжал: «Авиасозлар» саройи. Тел.: 199-50-22, 199-52-84.
hp TRIPP LITE FUJITSU SIEMENS LG Canon EPSON

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар; автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ойдин бекат

«Одамларга кераклигингни сезиш — катта бахт...»

Шеърият — даврнинг акс садоси, деган қараш кенг тарқалган. Унда муайян асос бор. Бироқ чинакам шеърият даврнинг акс садоси бўлиши билан баробар, унинг ўзи ҳам бутун бошли ўзига хос давр, бадиий олам яратишга қодирдир. Бундай шеърият одамларнинг дилидаги, тили учидаги гапларни айтиш, кўнгил розларини ифодалаш билан чекланмай, кўпчиликнинг хаёлига келмаган ўй-мушоҳадалар, фикр-туйғулар изҳори орқали қалбларни забт этиши, шеърхонларнинг ўзи яшаётган давр ҳодисалари ва муҳими, ўзи, қалби ҳақида билганларини, тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юбориши, бинобарин, кўнгилларга ғалаён солиши, ҳаётий жараёнларга кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

Яна шундай мангу савол бугун ҳам кун тартибидан тушгани йўқ: шеър ким учун ёзилади — шоирнинг ўзи учунми, хос китобхон учунми ёки кўпчилик — омма учунми? Бу уч хил қараш тарафдорларининг ҳар қайсисини ҳурмат қилган ҳолда, шахсан ўзим ана шу уч жиҳатни ўзида бирлаштирган шеъриятни юксак санъат ҳодисаси деб биламан. Далил-исбот учун узоққа боришга ҳожат йўқ. XX аср янги ўзбек миллий шеърияти тажрибалари бунинг ёрқин исботидир.

Ниҳоят, яна бир гап. Адабиёт фанида бадиий жараён моҳияти ва даражасини кўпроқ насрий асарлар орқали белгилаш таомили устун. Бироқ тажрибадан аёнки, кичик бир шеър ҳам йирик романга тенг улкан миссияни адо этавериши мумкин. Чўлпоннинг "Қаландар ишқи", "Юпанмоқ истаги", "Кўнгил", Ойбекнинг "Наъматак", Ҳамид Олимжоннинг "Ўрик гуллаганда", Усмон Носирнинг "Юрак", Зулфиянинг "Баҳор келди сени сўроқлаб" сингари XX аср биринчи ярми миллий шеърий тафаккур даражасини белгиловчи, беназир мафтункор, сирли-сеҳрли олам яратган сара шеърлари аҳамияти жиҳатидан "Ўткан кунлар", "Кеча ва кундуз", "Сароб", "Навоий" каби романлардан асло қолишмайди. 20-50-йиллар давомида ўзини эл-юртнинг маърифатли фарзанди санаган зот борки, бу асарлар улар қалбини забт этган, миллатнинг бир эмас, бир неча авлоди айни шу асарларда илгари сурилган эзгу туйғулар, олижаноб ғоялар руҳида тарбияланган. Машъум тоталитар режим, яғона мустабид мафкура ҳукмронлиги замонида миллатнинг ўзлигини, дилини, тилини, нафосат, ҳақиқат, адолат, эрк ва озодликка ташналик майлларини сақлаб қолишда бу хил асарларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ана шу қутлуғ анъана XX аср иккинчи ярмида янгича кўринишда давом этди, ўтган асрнинг 60-йилларида миллий шеърият майдонига кириб келган янги авлод яловбардорлари — Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва уларнинг ўнлаб истеъдодли сафдош ва издошлари қаламига мансуб ноёб лирик рубобий тароналарнинг эл орасидаги довруғига ўзимиз бевосита гувоҳмиз.

Эркиннинг ҳаётдаги бахти, омади шуки, аввало, у ўз даврининг пешқадам зиёлилари оиласида дунёга келиб, гарчи ота-онасидан эрта айрилган бўлса-да, маърифатли жигарлари қўлида тарбия топиб вояга етди. Унга Миллий университетда Ғ.Каримов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов каби улкан адабиётшуносларнинг яратган жўшқин адабий муҳитда тарбия олиш насиб этди. Бундан ҳам муҳими, мамлакатни миллий зиёлилар қонига ботирган мустабид ҳукмдор тарих саҳнасини тарк этиб, қисман эркинлик эпкинлари эса бошлаган, ижодда қудратли янги тўлқин ҳаракатга келган бир паллада қўлига қалам олди; шу ҳаракатнинг бошида турган улуғ адиб Абдулла Қаҳҳорнинг назарига тушди. Ижоддаги илк қадамларидаёқ ўз сафдошлари каби одат тусига кирган "бахтли замон"ни, партияни, доҳийларни улуғловчи сатрларни эмас, гарчи бир оз содда, оддий бўлса-да, кўнглини мафтун этган, самимий туйғуларини қоғозга тўка бошлади. Унинг йигирма уч ёшида чиққан илк шеърлар тўплами "Тонг нафаси" миллий шеъриятимизга янги нафас олиб кирди. Кейинроқ шоир ақл ва ҳис баҳсига ўтди. Мадҳия, фахрия, қасидачилик кайфиятларига берилган онлари ҳам бўлди, романтик хаёллар оғушида ишқий ғазаллар битди. Шу асарлар қаторида беғубор қувноқ юмор, ҳазил-мутойибалар билан йўғрилган шеърлар ҳам яратди; айни пайтда кўнгил армонларини, ўкинчларини, халқимизнинг оғир ва шонли кечмишини, тарихимизнинг қора ва нурли саҳифаларини, уруш келтирган офатларини ҳам шеърларга солди, лекин барибир, некбин руҳ — ҳаёт мадҳи, севги сурури, фахр-ифтихор туйғуси ижодида етакчилик қилди. Бу хусусият 1969 йили чоп этилган "Ёшлик девони" китобида ёрқин кўринди.

Бу китоб фақат Эркиннинг 60-йиллар ижоди намунаси, ўша йиллардаги шоир кайфияти, ўй-мушоҳадалари ифодаси бўлибгина қолмай, умуман миллий шеъриятимиз тараққиётидаги муайян тамойилнинг кўрниши сифатида ҳам қимматлидир. Гап шундаки, адабиётда «вульгар социологизм» балоси ҳукмрон бўлган кезлари ҳаммаёқни ижтимоий-сиёсий мавзудаги тумтароқ шеърлар босиб кетган, севги-муҳаббат, шахсий-интим кечинмалар шеъриятдан бадарға қилинган эди. 60-йилларга келиб аҳвол ўзгара бошлади, инсон шахсига, кишининг хилма-хил кечинмалари, жумладан, анъанавий севги тароналари учун қисман йўл очилди. Шуниси характерлики, поэзиямизда севги мотивларининг қайта уйғониши анъанавий шакл, айниқса, ғазалнинг жонланишига олиб келди. "Ёшлик девони" шу жараённинг энг жиддий ҳодисаси, шоирнинг улкан ижодий жасоратидир. Шоир Абдулла Орипов ёзганидай, "мумтоз адабиётимизнинг олтин эшиклари абадий бекилади дея каромат қилишаётганда ёш авлод орасида биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди". Эркин Воҳидов ғазаллари, шоирнинг ўз арузи, ўз ғазали шаклига айлангани учун ҳам миллий адабиётимиз, шеъриятимиз ривожида ҳодиса бўлди. Уларда биз фақат Эркиннинг ўзига хос шаклини юзага келтирган ҳиссий оҳангини, қалб садосини, юрак тебранишларини, ўйлаш-фикрлаш йўсинини кўрамиз.

Тун билан йиғлабди булбул
Гунча ҳажри доғида.
Кўз ёши шабнам бўлиб
Қолмиш унинг япроғида.

Ниҳоятда гўзал, мангуликка муҳрланиб қолган беназир ҳолат, бу қадар нафис, чиройли, сирли-сеҳрли оҳангларга йўғрилган ифодани "Ёшлик девони"дагина учратиш мумкин.

Йиллар ўтган сари Эркин ижодида фикрлар уфқи кенгайиб, ҳис-туйғулар тобора сержило бўлиб борди. Шунга қарамай, шоирда эришган ютуқлардан қониқмаслик, ўзини янгилашга мойиллик кайфияти кундан-кун ортиб борди. Бу бир дард, армон бўлиб вужудини ғалаёнга сола бошлади. Бу ҳолат 70-йиллар бошларида битилган "Йўқолган шеър"да яхши ифодаланган: шоир ўз асрига мос, фақат миллатнинг эмас, бутун оламнинг шавқини, дардини ўзида мужассам этадиган шеърлар излайди, шундай шеърлар ёзишни орзу қилади. Ниҳоят, бу орзу-интилиш, изланишнинг самараси 70-80-йилларда яратилган "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Куй авжида узилмасин тор", "Яхшидир аччиқ ҳақиқат" каби тўпламларидан жой олган шеърларида, "Руҳлар исёни", "Истамбул фожиаси" достонларида яққол кўринди. Замин, замон ва инсон ташвишларига ҳамдардлик, оддий кундалик ҳодисаларда катта инсоний муаммоларни кўра билиш, улардан умумбашарий маънолар қидириш, ўша кезлари ўзини ҳаяжонга солган масалаларни дадил ўртага қўйиб, уларга жавоб излаш, одамлар эътиборини жалб этиш — шоирнинг бу даврдаги энг яхши достон ва шеърларига хос хусусиятлардир. Бу асарлардаги ҳар бир сўз, ҳар бир сатрда инсоният қисматидан безовта қалб кечинмалари, замон тақдирига жавобгарлик ҳисси билан тепаётган юрак ҳаяжонлари ловуллаб туради, улар дунёга тийрак кўз билан назар солишга чақириқ бўлиб янграйди. "Инсон", "Шарқий қирғоқ", "Сирдарё ўлани", "Арслон ўйнатувчи", "Руҳлар исёни" каби ўткир фуқаролик руҳи-нафаси билан йўғрилган достон ва шеърларни XX аср миллий шеъриятимизнинг ўзига хос давр яратган нодир намуналаридан десак, асло муболаға бўлмайди.

1979 йили ёзиб тугатган "Руҳлар исёни" достонида миллий истиқлол тўғрисида сўз очиш асло мумкин бўлмаган бир замонда мустабид тузум қатағони қурбони Фитратнинг "Чин севиш", "Ҳинд ихтилолчилари" асарлари изидан бориб, декорацияни ҳинд элига кўчириб, шоир Назрул Ислом тимсоли орқали ўз она юртида эрк, озодлик йўлига ҳаётини тиккан Қодирий, Чўлпон, Фитратлар қисматига ишора этишга, ривояту, ҳикоятлар орқали шахс эрки ғоясини умуминсоний миқёсларда туриб ифодалашга эришади.

Эркиннинг истиқлол йилларидаги шеърлари топталган миллий қадриятларни тиклаш, ўзини топиш, ўзлигини танишдек машаққатли йўл ғоят шарафли эканини яна бир бор тасдиқлайди. Айни шу йўлдан борган ижодкоргагина шафқатсиз ҳақиқат эшиклари очилади, бу ёруғ дунёнинг сиру асрорларини англаш, тевараксатрофда юз бераётган, шитоб билан ўзгариб, янгиланаётган тарихий жараёнларнинг, ҳаёт жумбоқларининг туб моҳиятига етиш имкони туғилади. Кейинги шеърларида кўпни кўрган, 70 ёш бўсағасида турган шоирнинг айни бу ёшга хос ҳолат-кайфиятлари, ўй-мушоҳадалари, бой ҳаёт тажрибалари ғоят ёрқин намоён бўлмоқда. Агар у "Ёшлик девони"да

Ёшлигим, кел, куйга тўлган
Қалбим олтин сози бўл,
Мен қўшиқ айтай тўлиб,
Бир лаҳза жўр овози бўл

дея шўх-шодон куйлаган бўлса, энди кекса ҳазрат Навоий каби дангал

Кексалик келгач насибинг
Йўлга боқиб ўлтириш.
Энди манзил
ҳеч харита —
Ичра номи йўқ диёр,
Кексалик —
ул мамлакатга
Йўл тадоригин кўриш

деб ёзади. Айни пайтда яна улуғ Навоий иборалари билан айтганда, қарилик чоғда ҳам ёр васлидан кўнгил узолмайди.

Мен ҳаётда бор эканман,
Йўласам, сен бор учун,
Кўксим ичра қалб урар
Тун-кун ўзингга зор учун...
То жаҳонда бор эканман,
Борлиғим сен ёр учун

сингари оловли мисралар тизади. Қўл қовуштириб ўтирмай эл-юртнинг бугунги муаммолари устида бош қотиришда давом этади, миллат мустақилликка эришиб, ўз куч-қудрати, ақл-заковатини тўла намоён этиш даври келганида, унинг парвози йўлидаги тўғаноқлар, юз йил бурун жадид боболаримизни доғда қолдирган қолоқ удумлар устида аламли ўйларга толади, жумладан, "Нега япон юз йил яшар..." шеърида бу ҳақли саволга жавобан киноя-кесатиқлар ила

Чунки япон биздек
қоронғу
Саҳар туриб ошга
бормайди.
Мотамида у обрў учун
Элни чорлаб зиёфат
қурмас.
Байрамида бел боғлаб
уч кун
Шамдек қотиб
кўчада турмас.
Гарчи биздан юз бор
фаровон,
Гарчи биздан
юз карра тўқдир.
Тўй харжида
юзта бой япон
Бир камбағал
ўзбекча йўқдир

дейди ўкинч билан...

Эркин Воҳидов шеърияти, аниқроғи, унинг сара шеърлари биринчи галда шоирнинг ўзи учун энг ардоқли, дил қаъридан сизиб, отилиб чиққан шахсий кечинма-туйғулар ҳосиласидир. Айни пайтда ана шу шахсий кечинмалар кўпчилик одамлар учун ҳам қадрли ва тушунарлидир. Эркиннинг ёзганлари қоғозда қолиб кетадиган сатрлар эмас, улар тилларидан дилларга кўчиб, у ерда муқим жой олган етук шеъриятдир. Шоир шеърлари сиртдан содда, етти ёшдан етмишгача барча учун бирдек тушунарли туюлса-да, улардаги тагмаънога етиш, уларни ўқиш осон эмас.

Эркин Воҳидов ижодий фаолиятини жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди. Айниқса, атоқли ва ардоқли шоиримиз мустақиллик йиллари Олий Мажлис депутати, Сенат аъзоси сифатида масъул лавозимларда ишлаган кезлари жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. "Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг ҳам кераклигингни сезиш — бу катта бахт, — дейди шоир. — Шунинг учун ҳам жамоат меҳнатидан ҳеч қачон қочган эмасман. Қайноқ ҳаёт ичида яшаб, ишлаб ўрганганман". У беназир шеъру достонлари билан баробар Мустақиллигимизнинг бош меъмори Президентимиз раҳнамолик қилган, бошлаб берган улуғ ишларни амалга ошириш йўлидаги хайрли хизматлари билан ҳам миллатимиз учун ардоқлидир.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эркин ВОҲИДОВ

Ёш шоирга

Тилай ғайрат сенга, ёш шоир укам,
Фазлу ҳикмат сенга, ёш шоир укам.
Биз ҳам қўйлаб ўтдик имконлар қадар,
Энди навбат сенга, ёш шоир укам.

Мустақил ҳур маъво сенингдир, сенинг,
Озод, эмин садо сенингдир, сенинг.
Биз шивирлаб айтган туйғуни энди
Куйлаш ошкора сенингдир, сенинг.

Нафосат юртига посбон бўл, ўғлон,
Тили шамшир, кўкси қалқон бўл, ўғлон.
Аввало шоир бўл, ундан ҳам аввал
Шу юртга ўғлон бўл, ўғлон бўл, ўғлон.



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 30 январь куни соат 11.00 да
Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 24 октябрдаги 19110-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлинмасида сақланаётган, давлат рақами 30М33-90 бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган «НЕКСИЯ-GL» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №915193, кузов №XWB3231B04F168261). ***Бошланғич баҳоси — 10 138 400 сўм.***
2. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2005 йил 12 январдаги 545-46-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 10Y37-95 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №139573, кузов №035519). ***Бошланғич баҳоси — 4 231 808 сўм.***
3. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 15 майдаги 7474/11-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган С.Раҳимов тумани «Себзор» жарима майдонида сақланаётган, давлат рақами 30В57-20 бўлган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №844834, кузов №0738745). ***Бошланғич баҳоси — 1 700 000 сўм.***
4. Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 18 октябрдаги 14058/13-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Саидова кўчаси, «Бинафша» автотаъмирлаш устахонасида сақланаётган, давлат рақами 30В71-03 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №ULV7T1YBTAXTA0082747). ***Бошланғич баҳоси — 2 124 330 сўм.***
5. Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 27 январдаги 1958/13-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлинмасида сақланаётган, давлат рақами 30J82-73 бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №408 БН, кузов №300591). ***Бошланғич баҳоси — 192 291 сўм.***

Қизиқиш билдирган харидорларга ушбу мулкларни Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг туман суд ижрочилари бўлинмаси вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

372862363

Русэлпром ВЭМЗ Дилер

РУСЭЛПРОМнинг Ўзбекистондаги эксклюзив вакили
Россия электротехника концерни

ЭЛЕКТРДВИГАТЕЛЛАР ВА НАСОС УСКУНАЛАРИ



Тўлов — сўм ва эркин муомаладаги валютада.

- Владимир электрмотор заводи (ВЭМЗ)
- Ленинград электрмашинасозлик заводи (ЛЭЗ)
- Сафонов электрмашинасозлик заводи (СЭЗ)
- «Росгидромаш» (Орёл шаҳри)

Тошкент шаҳридаги божхона терминалидан тўғридан-тўғри етказиб берилади. Товар сертификатланган

Телефонлар: 133-01-82, 68-67-02.
www.vemz-diler.ru E-mail: info@vemz-diler.ru

Дўкон Чехиядан келтирилган буюмлар **Exclusive BOHEMIA**

Сизни кириб келаётган Янги йил билан қутлайди!
ва катта миқдордаги янги йил совғаларини таклиф қилади

биллур чинни идишлар, қандиллар, богема шишаси

Байрамолди чегирмалар 5 дан 30% гача

маҳсулот сертификатланган

тел. 361-52-88

Китоб жавонингизга

«Кимёгар академиклар»

Ўзбекистонда барча соҳалар қаторида кимё фани ва технологияси ҳам ривожланган. Бу борада республика Фанлар академияси академикларининг муносиб ҳиссаси бор.

Москвада нашр қилинган «Дунёнинг атоқли кимёгарлари» китобида нафақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳонда ном козонган олимларимиз — академиклар О.Содиқов, С.Юнусов, М.Набиев, К.Аҳмедов, Ҳ.Усмонов ва бошқаларнинг таржимаи ҳоли ёритилгани, уларнинг жаҳон фани ривожига қўшган улушлари алоҳида таъкидлангани бунинг яна бир тасдиғидир.

Яқинда «Эзгулик манбаи» нашриётида чоп этилган профессорлар С.Туробжонов, Қ.Аҳмеров ва П.Исматуллаевларнинг «Кимёгар академиклар» ўқув қўлланмасида эса бир қатор академикларимизнинг таржимаи ҳоли ва илмий фаолияти кенг ёритиб берилгани нур устига нур бўлди.

Бу қўлланмада, муҳими, мамлакатимизда органик кимё, умумий кимё, физик ва коллоид кимё, нефть ва нефтни қайта ишлаш кимёси ва технологияси, полимерлар кимёси ва технологияси, ўғитлар кимёси ва технологияси, ўсимлик моддалари кимёси, композицион материаллар кимёси, биоорганик кимё каби йўналишларда олиб борилган илмий тадқиқотлар ва бу ишларни саноатга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатган олимларимиз ҳақида қизиқарли маълумотларни ўқишингиз мумкин.

Мазкур китоб ўрта мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчиларига мўлжалланган бўлса-да, у кенг китобхонлар оммасида ҳам қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси Тошкент эстрада-цирк коллежи директори Карима Зариповага онаси, цирк санъати фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Холида ЗАРИПОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси жамоаси уюшма бошқаруви раиси Э. З. Зикриёевга опаси

МАЪСУДАХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси жамоаси «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илёс Солиҳўжаевга отаси

Илҳом ҳожи СОЛИҲЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази жамоаси марказ директори Зафар Сидиқовга падари бузруквори

УМАР ҳожи отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

«Давархитектқурилиш» жамоаси «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илёс Солиҳўжаевга падари бузруквори

Илҳом ҳожи СОЛИҲЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 22.45 23456